

ЖАРАЁН

ШОҲИМАРДОНГА
ВЕРТОЛЁТ ҚАТНОВИ
ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

ШОҲИМАРДОННИНГ ОСМОНЎПАР АРЧАЗОРЛАРИ, УЧ ТОМОНДАН ТОҒЛАР БИЛАН ЎРЛАНГАН МОВИЙ КЎЛЛАРИ, МУЗЛИКЛАРДАН ТОМЧИЛАРГА, УНДАН ИРМОҚЛАРГА ВА КЕЙИН ОҚДАРЁГА АЙЛАНИБ ШОПИРИБ, КЎПИРИБ ПЎРТАНАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИБ ОҚАДИГАН, ИККИНЧИ ЁНДАН ЭСА ТИНИҚЛИГИДА, ШИРИНЛИГИДА ТЕНГИ ЙЎҚ МОВИЙ РАНГ КЎҚДАРЁ ШОҲИМАРДОНГА КЕЛГАЧ, ИККИСИ ҚЎШИЛИБ КЕТАДИГАН ЭРТАК МИСОЛ МАНЗАРАЛАРНИ КЎРГАНИ, ГИЁҲЛАР ИФОРИГА ТЎЙИНГАН ҲАВОСИДАН НАФАС ОЛГАНИ ЮЗ МИНГЛАБ ЮРТИМИЗ

ҲАМДА ХОРИЖИЙ САЙЁҲЛАР ТАШРИФ БУЮРИШАДИ. ЯҚИН КУНЛАРДА УЛАРНИНГ СОНИ ЯНАДА ОРТИШИ МУҚАРРАР. ЗЕРО, ЭНДИ ШОҲИМАРДОНГА ҲАВО КЕМАЛАРИ ОРҚАЛИ ҲАМ БОРИШ МУМКИН БЎЛАДИ. БУ ҲАҚИДА БИЗ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ХУРШИД АҲМЕДОВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta ★★★★★ 2025-yil 22-avgust, juma

№34
(25006)

Farg`ona haqiqati

— Маълумки, Шоҳимардонга бориш учун Ўзбекистон — Қирғизистон, сўнгра Қирғизистон — Ўзбекистон чегараларидан ўтиш лозим. Қайтишда ҳам худди шундай. Айтингчи, сайёҳларга бу борада қандай қулайликлар яратиш мумкин?

— Мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан икки мамлакат чегараларидаги ўтиш масканлари куну тун, яъни 24 соат ишлайдиган бўлди. Қолаверса, ID карталарнинг жорий этилиши ва улар Ўзбекистон — Қирғизистон чегараларида асосий ҳужжат сифатида эътироф этилиши яна бир катта қулайлик бўлди. Натижада бир кунда Шоҳимардон йўналишининг ўзида чегарадан 15 мингга яқин йўловчи ўтмоқда. Агар 2024 йилда жами Шоҳимардонга 500 мингдан зиёд маҳаллий ва қирғиз фуқаролари ўтган бўлса, 2025 йилнинг буғунига қадар улар сони сал кам 1 миллионни ташкил этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
2021 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДА
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
"ТАДБИРКОРЛАР
КУНИНИ БЕЛГИ-
ЛАШ ТЎҒРИСИДА"ГИ
ҚОНУНИГА АСОСАН, ҲАР
ЙИЛНИНГ 20 АВГУСТИ
— ТАДБИРКОРЛАР КУНИ
СИФАТИДА НИШОНЛА-
НИБ КЕЛИНМОҚДА.

Фаол тадбиркорлар
ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Соҳа ходимларининг касб байрами арафасида Президент Фармони билан юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётгани, ташаббускорлиги, инвестицияларни жалб қилиши, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётгани учун бир гуруҳ тадбиркорлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар. Шу жумладан, Қува туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, гул етиштирувчи миришкор деҳқон **Элёржон Мадаминович Жалолов** "Шухрат" медалига сазовор бўлди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари фармойишига асосан,

Жораев Рустам Полатханович — Фарғона шахридаги "Zhongming metal products" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси;

Закиров Камолiddин Юнусалиевич —

Фарғона шахридаги "Хайрихон Камол орзу" оилавий корхонаси раҳбари;

Ким Александр Вячеславович — Куваёсий шахридаги "Quvasoyshifer hrizotil" масъулияти чекланган жамияти бош директори;

Насимов Элмурод Воҳидович — Бувайда туманидаги "Wire cable system group" хусусий корхонаси раҳбари;

Темиров Курбонбек Абдумаликович — Фурқат туманидаги "Oybek Temirov" фермер хўжалиги бошлиги;

Тўхтабоев Орифжон Одилжонович — Ўзбекистон туманидаги "Star genius" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси;

Ҳамзаев Шавкат Ҳамидович — Учқўприк туманидаги "Great Kokand" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси — "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят ҳокимлигида ташкил этилган тадбирда мазкур мукофотларни ўз эгаларига татанали топширди.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

Суратларга муҳрланган:
ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ
ҲАМКОРЛИГИ

ХИТОЙ ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЮРАГИДАГИ ЙИРИК ДАВЛАТ, ДЕГАН ПОЗИЦИЯСИГА СОДИҚ ҚОЛМОҚДА. РЕСПУБЛИКАЛАР УРТАСИДАГИ ЯҚИН ВА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР ХИТОЙ САЛОҲИЯТИНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ДАСТУР ВА ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА, БИРИНЧИ НАВБАТДА, АҲОЛИ ФАРО-ВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТМОҚДА.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими, "Фарғона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталари таҳририяти, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон — Хитой муносабатлари янги даврга, сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйилаётганини таъкидлади.

Мазкур кўргазма ва танловга мамлакатдаги 27 нафар фото-ижодкор 500 дан зиёд фотосуратлар тақдим этдилар. Айниқса, ушбу фотокўргазмани ташкиллаштиришда устоз журна-

ларда сўнгги ўн йилда Ўзбекистон — Хитой иқтисодий-сиёсий муносабатлари ўз аксини топган. Саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, или-фан, санъат ва спорт мавзулари етакчилик қилган. Фотомуҳбирлар ҳаётнинг нодир лаҳзаларини оний тўхтамда акс эттири олган-

тон — Хитой: ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик" мавзусида фотокўргазма ва фототанлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Мазкур маросимга ташриф буюрган Хитойнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь Ўзбекистон

лист Мухаммаджон Обидовнинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилди. Ҳайъат улардан 94 тасини танлаб олди ва кўргазмада намоишга қўйилди. Шунингдек, ҳайъат улар орасида ғолиб ва совриндорларни аниқлаб берди.

Маълумот учун, фотосурат-

ларда сўнгги ўн йилда Ўзбекистон — Хитой иқтисодий-сиёсий муносабатлари ўз аксини топган. Саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, или-фан, санъат ва спорт мавзулари етакчилик қилган. Фотомуҳбирлар ҳаётнинг нодир лаҳзаларини оний тўхтамда акс эттири олган-

лар. Фотокўргазма 15 августдан бошлаб намоиш этилмоқда.

Фотосуратлар кўргазмаси мамлакат вилоятлари, олий ўқув юртларида ҳам намоиш этилиши режалаштирилган.

ЎЗА.

Қорақалпоқ болалари
ФАРҒОНАДА ДАМ ОЛИШЯПТИ

Маълумки, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Қорақалпоқistonнинг шахар ва туманлари мамлакат вилоятларига бириктирилган. Жумладан, Бўзатов туманига иқтисодий ислохотларни амалга оширишда Фарғона вилояти ҳамкорлик қилмоқда. Узаро муносабатлар ижтимоий соҳаларга, маданият, спорт, туризм йўналишларини ҳам қамраб олди. Мана уч йилдирки, қорақалпоқ меҳнат фахрийлари ва болалари ёзи таътил чоғи Фарғона вилояти сўхатгоҳ ва болалар оромгоҳларида дам оладилар. Шу кунларда эса Фарғона туманининг "Тонг" болалар соғломлаштириш оромгоҳи 50 нафар қорақалпоқистонлик ўқувчиларни қабул қилган.

— Мен Бўзатов туманиданман. Фарғона жуда гўзал ва салқин экан. Лагерда кўплаб дўстлар орттирдим. Бу ер менга жуда ёқди, — дейди Зарина Раҳимбердиева.

— Ўтган йили ёзда синфдошларим Фарғонага келиб дам олиб кетишганди. Уларнинг таасуротларини эшитиб, бу йил мен ҳам келдим. Фарғона, "Тонг" лагери зўр экан. Барча таш-

килотчиларга катта раҳмат, — дейди Гулжамоил Қўшбергенова.

"Тонг" вилоятнинг энг сўлим Хонқиз қишлоғида жойлашган. Бир марталик қабул чоғи 200 нафар болалар дам оладилар. Бу ерда улар учун барча шароитлар муҳайё. Турли тўғрақлар, спорт майдончалари, интеллектуал сабоқ хоналари, кутубхона, бассейн мавжуд.

— Фарғонадаги оромгоҳлар ўтган йили ҳам қорақалпоқ болаларини бағрига олган эди. Бу йил давомида уларнинг 50 нафари дам олади. Дастурга кўра қорақалпоқ қуй ва қўшиқлари, рақслари намоиш этиладиган алоҳида кун бор. Улар аҳил, иноқ ва бахтли эканидан мамнунмиз, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Бўзатов тумани бўлими масъул ходими Адилбой Зоиров.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқи аҳил ва иноқ ҳаёт кечирмоқда. "Куч — бирликда" деган шир шундай тадбирларда ёшларнинг ҳаётига ҳам сингиб боради.

Мухаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар
ОЧИЛДИ-Ю... КЎП ЎТМАЙ ЁПИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2019 ЙИЛ 7 ИЮЛДАГИ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ЗАМИРИДА АҲОЛИНИНГ МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, ТАРИХИМИЗ, МИЛЛИЙ МАДАНИЯТГА ҚИЗҚИШНИ ШАҚЛАНТИРИШ ВА КУЧАЙТИРИШ КАБИ ЗГЗГУ МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ.

арорда давлат-хусусий шериклик асосида кутубхоналарни ривожлантириш, хусусан, хусусий ва виртуал ахборот-кутубхона муассасалари тармоғини кенгайтириш вазифаси белгиланган.

2022 йил 20 декабрда Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида ҳам ҳар бир маҳаллада кутубхона ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб, маҳалла — тинчлик ва осойишталик, маърифат ва тарбия кўргони эканлиги, маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши зарурлигини таъкидлаб ўтди.

(Давоми 4-бетда).

Дунё мавзуси:
СУЛҲ ВА ҲУДУД
МАСАЛАЛАРИ
ПУТИН ВА ЗЕЛЕНСКИЙ
УЧРАШУВИДА
ҲАЛ ЭТИЛАДИМИ?

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА АҚШ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ВЛАДИМИР ПУТИН ВА ДОНАЛД ТРАМПНИНГ 15 АВГУСТДА АЛЯСКАНИНГ АНККОРИЖ ШАҲРИДАГИ УЧРАШУВИДАН УЧ КУН ЎТИБ, ЯЪНИ 18 АВГУСТ КУНИ АМЕРИКА ЕТАКЧИСИ УКРАИНА РАҲБАРИ ВЛАДИМИР ЗЕЛЕНСКИЙНИ ОҚ УЙДА ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

(Давоми 4-бетда).



ШОҲИМАРДОНГА ВЕРТОЛЁТ ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

— Қарийб икки йилдан буён Сўхга Фарғонадан мунтазам равишда самолёт учиб бормоқда. Сайёҳ ва аҳоли бунга аллақачон кўниккан ҳамда бу хизматдан унумли фойдаланмоқда. Айтингчи, шундай хизмат Фарғона ва Шохимардон ўртасида ҳам ташкил қилинадими?

(Бошланиши 1-бетда).

Олимларнинг, масалан академик Акмал Саидовнинг таъкидлашича, Сўхда бундан 8-10 минг йил аввал, яъни водийда энг дастлабки ҳаёт пайдо бўлгани, одамлар яшагани илмий жиҳатдан исбот қилинган. Бунинг сабабларидан бири Сўхнинг гўзал табиати, маъданларга бой дарёси ва албатта, тоза ҳавоси билан боғлиқ дейдилар. Ҳозир ҳам шундай. Сўхга табиат билан юзма-юз бўлгани, унинг шошқалоқ дарёси сувида пишган олма-ю, гуручларидан тотингани, на-фас йўлларини даволовчи ҳавосини тўйиб-тўйиб симиргани борадилар.

— Юзлаб Америка ва Австралиядан келган сайёҳларни Сўхга самолётда олиб бордик. Уларга Сўх табиати, унинг дарё-ю, Чашмаси ёқди. Олдимизга катта ниёт қўйган эдик: Фарғонадан Шохимардонга ҳам учоқлар учиршни.

Бугунги табдиркорлар кечаги табдиркор эмас. Уларнинг ўзлари шундай ташаббус билан чиқишди. Фарғонадан Шохимардонга верто-

лёт қатновини йўлга қўйишмоқчи. Ҳозир бу ҳақида ҳукумат даража-сида розилик ишораси берилди. Аини чоғда вертолётни Фарғонага олиб келиш, Шохимардон ва Ёрдон қишлоқларида вертолёт қўнадиган майдончалар ташкил этиш ишлари билан шуғулланяпмиз. Тез кунларда Фарғонадан Шохимардонга қатнайдиغان рейслар амалга оширилади. Ва у ердаги дам олувчилар Шохимардондан Фарғонага олиб келинади.


— Бугунги сайёҳларнинг эҳтиёжи ҳам ўсиб борапти ва у ранг-барангликни талаб қилади. Бу борада қандай янгиликларни айта оласиз?

— Сайёҳликнинг турлари дарҳақиқат кенгайиб борапти. Энди сайёҳлар пиёда, отларда, транспорт воситаларида юришдан ташқари, осмондан

Фарғонани томоша қилишмоқчи. Бу талабни амалга оширишда яна табдиркорлар ташаббусни қўлга олишди. Улар вилоят туризм бошқармаси ҳамкорлигида ва яқин ёрдами билан янги йўналиш — Фарғона вилоятини осмондан томоша қилиш хизмати-ни ташкил этдилар. Шу бугундан бошлаб хорижий ва ички сайёҳлар, Фарғонадаги хонадон оила аъзолари бундай хизматдан бемалол фойдалана оладилар. Бунинг учун Фарғонада жойлашган “Fly easy travel” МЧЖга мурожаат қилишлари мумкин. Улар талабга кўра, Фарғона вилоятининг барча ҳудудлари, жумладан, гўзал гўшалар бўлган Шохимардон ва Сўх устидан ҳам парвозни амалга оширадилар ҳамда сайёҳлар водийнинг бепоён шаҳар-қишлоқларини осмондан томоша қила оладилар.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

КОРРУПЦИЯ



ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КУШАНДАСИДИР

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРГА ҲОВ ИЛЛАТ

КОРРУПЦИЯНИНГ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙИШИ ЎТА САЛБЎЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ. ХУСУСАН, ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИШИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАДИ. ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ СЕКИНЛАШИ, КАДРЛАР СИФАТИНИНГ ПАСАЙИШИ ВА ОҚИБАТДА БАРЧА СОҲАЛАРНИНГ ОҚСАШИГА, УОШАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ИЛДИЗ ОТИШИГА, ҲУКУМАТГА БЎЛГАН ИШОНЧНИНГ ЙЎҚОЛИШИ ВА ИЖТИМО-ИЙ-СИЁСІЙ БЕҚАРОРЛИККА САБАБ БЎЛАДИ.

Коррупцияга қарши ҳар бир давлат ўз ҳолича курашиб келади ва қайсидир ҳудудда унга деярли барҳам берилган бўлса, яна қаердадир бу иллат “гуллаб-яшнаш”да давом этмоқда. Келинг, коррупцияга қарши курашиш борасидаги жаҳон тажрибасига назар ташлайлик.

Сингапур тажрибасига кўра, коррупцион алоқалар илдиз отмаслиги учун мажбурий ротация тартиби жорий этилган. Барча даражадаги амалдорларнинг фуқаролар билан муносабатларида тизимли назорат ўрнатилган ва турли бюрократик тўсиқлар олиб ташланиши учун бу муносабатлар механизми такомиллаштирилган. Бундан ташқари, барча мансабдорларнинг маошлари сезиларли даражада оширилган бўлиб, суд тизими мустақиллиги таъминланган, пора олганлик ва берганлик учун жазо кескинлаштирилган. Шу билан бир вақтда коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб турувчи мустақил ОАВ шакллантирилган.

Хитойда бунинг учун бир умрлик қамоқ ёки ўлим жазоси жорий этилган. Маълумотларга кўра, 2003 йилдан бери бу давлатда 10 мингга яқин мансабдор отувга ҳукм қилинган, 120 минг нафари эса узоқ муддатларга қамалган. Айрим ҳолатларда пора билан ушланган амалдорларнинг қўллари чопилган.

Хитойликлар пора олиш иллатига қарши курашиш бўйича махсус курсларга қатнашади. Давлат хизматчилари руҳий ва жисмоний машқлар орқали ақл ва таналарини соғломлаштиради.

Гонгконг ҳам коррупцияга қарши курашда эришган муваффақиятлари билан мақтанса арзийди. Илгари мамлакатнинг деярли барча давлат идоралари коррупция ботқоқига ботганди. Бу ботқокдан чиқиш учун қўйидаги чоралар амалга оширилди: давлат амалдорлари барча мулклари, автомобиллари ва бошқа қимматбаҳо буюмларини ҳалол йўл билан топган маблағларига сотиб олганини исботлаб бериши лозим. Агарда бунини исботлай олмаса, уни қамоқ кутди ва барча мол-мулки мусодара қилинади.

Нидерландияда коррупцияга қарши курашиш учун қатор чоралар ишлаб чиқилган. Пора билан қўлга тушган амалдорга кейинчалик давлат ташкилотларида ишлаш тақиқланади, у барча ижтимоий имтиёз ва кафолатлардан маҳрум этилади.

Коррупция асосий учта элементни қамраб олади. Биринчиси, ишониб топширилган вазифани ёки лавозимни суиистеъмол қилиш. Яъни, расмий ва бошқа ишониб топширилган мажбуриятлардан келиб чиқадиган ҳулқ-атвор нормаларини ёки касбий мажбуриятларни аниқ ёки билвосита бузишни ўз ичига олади. Бу тушунча ҳолисликсиз қарор қабул қилишни назарда тутди, давлат сиёсатига ёки кенгроқ маънода жамоат манфаатларига зид.

Иккинчиси, ишончли ҳокимият. Коррупция, шахс ҳар қандай расмий ёки профессионал роллардан, шунингдек, норасмий ёки аънавий роллардан келиб чиқадиган ваколатларни суиистеъмол қилганда пайдо бўлади. Бу ибора нафақат давлат амалдорларини, балки хусусий секторда ишлаётган шахслар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти вакиллари, диний етакчиларни ҳам қамраб олади.

Учинчиси, шахсий даромад. Коррупция орқали эришилган даромад шахсийдир, chunki у мансабдор шахс вакили ёки хизмат қилиши ишониб топширилган ташкилот ёки жамоага фойда келтирмайди. Хусусий даромад



жамоат манфаатининг аксини ифода-лайди. Аммо даромад тўғридан-тўғри қўриб чиқиладиган амалдорга туши-ши шарт эмас: у тайинланган оила аъзоси, дўсти, ҳамқори ёки сиёсий партияга ҳам фойда келтириши мумкин.

Коррупция ушбу учта элементдан ташқари бошқача шаклларга ҳам эга бўлади. Турли иштирокчилар ва бенефитсиар (инглизча: банкка пул қўйган омонат эгаси ёки унинг меросхўри, депозит ёки омонат)лар-нинг роллари ҳам сезиларли даража-да фарқ қилиши мумкин. Масалан, баъзи порахўрлик ҳолатларида пора берувчи номақбул фойда олишга ин-тиладиган иродали, фаол тарафдир. Аммо бошқа шароитларда, хусусан, коррупция тизимли бўлган жойларда одамлар соғлиқни сақлаш ёки таълим каби давлат хизматларида фойда-ланиш учун пора беришдан бошқа чораси қолмайди. Давлат амалдор-ларининг ўзлари эса бошлиқлари ёки миждозлари томонидан пора олишга мажбурланиши мумкин.

Айтиш жоизки, коррупцияга қарши кураш борасида ҳуқуқий маданият-ни юксалтириш, порахўрлик, таъ-магирлик каби ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, бундай жиноятларга қарши жазо муқаррарлигини ҳар бир шахс би-лиши зарур. Коррупция балосининг нақадар мудҳиш иллат эканини ту-шунган, уни онгли равишда идрок этган одам бу жиноятга қўл урмайди.

Коррупция балосидан қутулиш, ислохотларни унинг чангалидан қутқариш шарафли бурчимиз эканли-гини ҳамма бирдек тушунмоғи шарт. Акс ҳолда, ўзига тегишли ҳулоса чиқармай, порахўрлик ва таъмагир-ликдан тийила олмаётган шахслар жазога тортилиши муқаррар.

Дилафруз РАФИҚОВА,
Фарғона давлат университе-
ти катта ўқитувчиси, педагогика
фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD).

Маликаҳон
МУҲАММАДҚИСИМОВА,
педагогика йўналиши
талабаси.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида тайёрланди).

ВАЗИФАМ ИККИТА, МАҚСАДИМ БИР

Арофатхон МАҲСУДОВА,
“Машъал” маҳалла фуқаролар
йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси,
“Лойиҳа менежери”

ФАРҒОНА ШАҲРИНИНГ “МАШЪАЛ” МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ БАНДИЛИгини ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. 2022 ЙИЛДАН БУЁН МАҲАЛЛАДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ СИФАТИДА ИШЛАБ, ҲУДУДНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДАМАН.



Маҳалламизда 130 та кўп қаватли уй, 3440 хонадон мавжуд бўлиб, уларда 10 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Иш фаолиятим мобайнида асосий эътиборимни вақтинча ишсиз, норасмий меҳнат билан шуғулланувчи аҳоли қатламнинг ҳаётини яхшилашга қаратдим. Уларнинг муаммосини ҳал қилиш, молиявий мустақилликка эришишга кўмаклашиш асосий вазифамга айланди. Шахсий ташаббусларим орқали банд бўлмаган аҳоли вакиллари касб-хунарга ўқитилди, камбағал оилаларга имтиёзли дастурлар орқали кредит ажратилди. Оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича аниқ ва тизимли чора-тадбирлар натижасида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижобий самара кўрсатди.

Амалга оширилган тадбирлар маҳалланинг ижтимоий-маънавий ҳаётини яхшилаш ва аҳоли турмуши фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Маҳаллада бекорчи инсон-нинг ўзи қолмади. Республика миқёсида жорий этилган ҳоким ёрдамчиларининг самарадорлик кўрсаткичида фаолиятим юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 октябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсати-ни такомиллаштириш ва самарадорлигини оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, юқори натижага эришиб келадиган, ижобий тажрибага эга 50 нафар ҳоким ёрдамчи-ларидан иборат “Лойиҳа менежерлари” гуруҳи ташкил этилди. Мазкур таркибга киритилишим зиммамдаги масъулиятни икки қарра оширди.

“Лойиҳа менежерлари” гуруҳи таркибидagi ҳоким ёрдамчилари бошқа туман (шаҳар)лар-даги самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктирил-ди ва хизмат сафарига юборилди.

Мен Самарқанд вилоятининг Нуробод ту-манидаги “Саҳоба” ва “Ўртабўз” маҳалла фу-

қаролар йиғинида иш бошлашдан аввал ўз ол-димга янги мақсад ва вазифаларни қўйдим. Бу ҳудудлардаги иқлим ва ер шароити қорвачилик ҳамда фермерчиликда янги технологияларни жорий этишни талаб этади. Чунки сув ресур-слари чекланган, аънавий сугориш усуллари самарасиз. Шу сабабли томорқалардан тўлиқ фойдаланиш ва сув сарфини камайтириш учун томчилатиб сугориш тизимини жорий этиш ло-зим эди.

“Машъал” маҳалла фуқаролар йиғинида гид-ропоника усулида томчилатиб сугориш коопе-рациясини ташкил этиш борасидаги тажрибам “Лойиҳа менежери” сифатидаги фаолиятимда жуда асқотди. Ҳозирга қадар шундай лойиҳа орқали Нуробод тумани маҳаллаларидаги 100 га яқин хонадонларнинг томорқа ҳўжалиги тикланди. Сув сарфи камайди, экинлар ҳосил-дорлиги ошди.

Амалий ишлар жараёнида мавжуд муаммолар-га ечим топишнинг инновацион усули маҳалла аҳолисининг ҳуқуқий маданияти ва янгиликка ёндашувининг ошишига, турмуш тарзининг ях-шиланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бугун нурободликлар истиқболли лойиҳаларнинг фа-ол иштирокчисига айланмоқда.

Ташаббусларнинг режалаштирилиши, таш-килий чора-тадбирлар, амалий жараёнлар ва натижаларга бўлган ҳар бир босқичда аҳоли билан ёнма-ён иш олиб борилди. Бу меҳнат фаолиятим — “Бир ёқадан бош чиқариш” та-моийли асосида амалга оширилган, аҳоли би-лан яқин мулоқот ва ишончли алоқалар асосий пойдеворга айланди.

Айни кунларда “Саҳоба” ва “Ўртабўз” маҳал-ла фуқаролар йиғинларида хизмат кўрсатишга қаратилган янги лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этишни ўз олдимга устувор мақсад қилиб қўйдим. Ушбу ташаббуслар маҳаллаларда ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, аҳолининг табдиркорлик салоҳиятини ошириш ва хизматлар соҳасини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳам ҳоким ёрдамчи-си, ҳам “Лойиҳа менежери” сифатида фаолият юритиш мени кенг қамровли масъулиятни зим-масига оладиган шахсга айлантирди. Бу жара-ёнда жамоа билан ишлаш, аҳоли эҳтиёжларини англаш ва уларни ҳал этишда ечимли ёнда-шувларни ишлаб чиқиш каби кўникмаларимни янада ривожлантиришга эришяпман.

ЁШ МАҚОМЧИЛАР МАСКАНИ

■ ХАЛҚИМИЗ МАДАНИЙ МЕРОСИНING АЖРАЛМАС ҚИСМИ БЎЛГАН МИЛЛИЙ МАҚОМ САНЪАТИ ЎЗИНИНГ ҚАДИМИЙ ТАРИХИ, ТЕРАН ФАЛСАФИЙ ИЛДИЗЛАРИ, БЕТАҚРОР БАДИИЙ УСЛУБИ ВА БОЙ ИЖОДИЙ АНЪА-НАЛАРИ БИЛАН МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА АЛОҲИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ.

Асрлар давомида улуғ шо-ир ва олимлар, моҳир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг машақ-қатли меҳнати ва фи-дойилиги, ижодий тафаккури би-лан сайқал топиб келадиган ушбу ноёб санъат нафақат юртимиз ва шарқ мамлакатларида, балки дунё миқёсида катта шухрат ва эътибор қозongan. Мақом санъатининг гул-тожи бўлган “Шашмақом” ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатда эътироф этилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Фарғона ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернатда ҳозир-ги кунда 200 нафарга яқин иқ-тирдорли ўқувчилар номоддий маданий меросни асраб-авайлаш,

уларни келгуси авлодларга етқа-риш мақсадида тахсил олишмоқда. Таълим масканида маданияти-мизни ҳар томонлама ривожланти-риш, халқимиз, аввало, ёш авлод-ни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда тажрибали педагоглар жамоаси меҳнат қилмоқда.

Ўқув маскани иш бошлагани-га тўрт йил тўлди. Мазкур қисқа вақт мобайнида қўлга киритилган ютуқларимиз салмоғи эътирофга молик.

Бухоро шаҳрида ўтказилган ёш ижрочиларнинг “Шашмақом” фес-тивалида мактаб-интернатининг ансамбли 1-даражали дипломини қўлга киритди.

Шунингдек, Юнус Ражабий номи-даги ўзбек миллий musiқа санъат институти томонидан ўтказилган мақом фестивалида 8-синф ўқув-чиси Муфинахон Пўлатова “Энг яхши аёл овози мақом ижроси-си”, 6-синф ўқувчиси Шукуржон Тожа-лиев “Энг яхши эркак овоз мақом ижроси-си” номига муносиб топи-лди.

Бундан ташқари, санъатга ошуф-та ўқувчилар республика ва вило-ятда ўтказиб келинаётган турли тадбирларда ўзларининг ширали овози билан мухлислар кўнглидан жой топтоқда.

Буййилги битирувчиларнинг 20 на-фарига мамлакатимиздаги нуфузли олийгоҳларга юқори кўрсаткичлар билан қабул қилинди. Бу каби

ютуқлар замирида мактаб раҳбари Улуғбек Мамажонов, ўз касбининг фидоийисига айланган Ўлмасбек Ху-дойназаров, Илҳом Раҳматуллаев, Феруза Солиева каби устозларнинг машаққатли меҳнати, изланишлар-и мужассам.

Мақом санъатининг ижодий, илмий-услувий ва ижро аънава-ларини пухта ўзлаштириш ва му-носиб давом эттириш мақсадида мактаб-интернатда “Устоз-шоғирд” аънараси йўлга қўйилди. Мазкур аънавани муносиб авлодлар давом эттириб келмоқда.

Одилхон АБДУРАҲИМОВ,
Гўлнўз АБДУРАҲИМОВА,
Фарғона ихтисослаштирил-
ган мақом мактаб-интернати
ўқитувчилари.

Yoshlar SAHIFASI



BILDIRILGAN ISHONCH — YANGI MARRALARGA CHORLAYDI

QO'QON SHAHRINING "OQ OLTIN" MAHALLA FUQAROLAR YIG'INIDA YOSHLAR YETAKCHISI SIFATIDA ASOSIY E'TIBORNI O'SIB KELAYOTGAN AVLODLARNING IJTIMOIY-SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISH, SALOHİYATLARINI NAMOYON ETISHIGA MUNOSIB MUHIT YARATISHGA QARATMOQDAMAN.

Amalga oshirilayotgan ijtimoiy tadbirlarning barchasi — yoshlarning kelajakdagi ijtimoiy-iqtisodiy muammolarini hal etishga qaratilgan bilan ahamiyatlidir. Ayniqsa, "Yoshlar daftari" loyihasi navqiron avlod vakillarini ijtimoiy, psixologik va huquqiy jihatdan qo'llab-quvvatlashda samarali vosita bo'lib xizmat qilmoqda. Biz "yettilik" a'zolari xonadonma-xonadon yurib, aholining, shu jumladan, yoshlarning ehtiyoj va muammolarini o'rganib, tahlil qilib bormoqdamiz. Salbiy holatlarning ijobiy yechim topishi uchun bor kuch va salohiyatimiz bilan harakat qilayotganimiz bois, ularning kelajakka ishonchi yanada mustahkamlanib boryapti.

"Yoshlarning bo'sh vaqti — yetakchining ish vaqti" tamoyili asosida mahalla yoshlari uchun muntazam ravishda ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar, ochiq muloqotlar, kitobxonlik kechalari, turli sport musobaqalari o'tkazilayotgani ularning o'zaro yaqinlik va hamjihatligini

shakllantiribgina qolmay, jismoniy va ma'naviy rivojlanishida ham muhim o'rin tutmoqda. Navqiron avlodlarning xohish-istaklarini inobatga olib, o'tkazilayotgan targ'ibot tadbirlari ijobiy samara bermog'ga. Yaqinda mahalla qoshida "Yosh jurnalistlar" maktabini tashkil etish bo'yicha tashabbus ilgari surildi. Dastlab 10 nafar yoshlarni qamrab olgan mazkur maktabda bugungi kunda 60 nafar iqtidor egalari saboq olmoqda. Yosh ijodkorlar tomonidan tayyorlangan videolavhalar, suratlar respublika miqyosidagi tanlovlarda ijobiy baholanib, so'nggi uch oylik faoliyatim yakuni bo'yicha "Eng falg yoshlar yetakchisi" deya e'tirof etildim. Bildirilgan ishonch — yangi marralarni mahallam yoshlari bilan birgalikda zabt etishimga yo'l ochdi.

Muhayyo MELIQO'ZIYEVA,
"Oq oltin" mahalla fuqarolar
yig'ini yoshlar yetakchisi.

"DOLZARB 90 KUN"

BIZGA NIMA BERDI?

YOSHLARNING BUGUN NIMA BILAN SHUG'ULLANAYOTGANI ULARNING ERTAGA KIM BO'LISHINI BELGILAYDI. AGAR BIZ FARZANDLARIMIZ KUNDA NIMA BILAN MASHG'ULLIKLARIGA E'TIBOR BERSAK, ULARNING AKSARIYATI TELEVIZOR EKRANI YOKI TELEFONGA "MIX"LANGAN BO'LADI.

Joriy yilda e'lon qilingan "Dozarb 90 kun" tashabbusi o'quvchi yoshlar uchun nafaqat dam olish, balki yangicha bir dunyoga qadam qo'yish fursati bo'ldi. Tashabbus doirasida umumta'lim maktablari, sport maydonlari hamda istirohat bog'larida tashkil etilayotgan turli madaniy-ma'rifiy va ko'ngilochar loyihalar yoshlarga har tomonlama rivojlanishi uchun zamin yaratmoqda.

Viloyatimizda 13 ta tashkilot va idoralar tomonidan 36 yo'nalishda ishlab chiqilgan 67 920 dan ziyod tadbirlar bir milliondan ortiq yoshlarni o'z atrofida jamladi.

Ta'til davrida yoshlar uchun yangicha imkoniyatlar yaratishga qaratilgan dasturlar, albatta, ularning kundalik hayotini mazmunli va rang-barang, quvnoq, esda qolarli daqiqalar bilan boyitishga xizmat qildi. Bu jarayonlarda yoshlar o'zlarining ijodiy salohiyatlarini yangidan kashf etishga va shu orqali o'ziga xos tajribalarga ega bo'lishga erishdilar.

Ayniqsa, sport musobaqalarida qatnashgan 407 879 nafar o'g'il-qizlarning nafaqat jismoniy, balki aqliy sog'lomlashishiga ham katta e'tibor qaratildi. Sport-sevarlar ko'proq jamoa bilan ishlashni va birgalikda maqsadlarga erishishni o'rgandilar.

258 234 nafar o'quvchilar "Maktab teatri" va "Turon" ansambllariga a'zo bo'lib, kichik sahna asarlari orqali iste'dodini tengdoshlariga namoyon etdi.

"Barkamol avlod" maktablari va to'g'araklarida o'tkazilgan tadbirlar, turli debatlar orqali yoshlarimiz muammoli vaziyatdan chiqish yo'llarini bilib oldilar.

Ular kelajakda jamiyatning faol yoshlariga aylanishi shubhasiz.

"Ibrat farzandlari", "Qizlar akademiyasi", "Yoshlar turizmi" kabi loyihalar uchun tajribali mutaxassislar taklif etilib, maqsadli tadbirlar orqali ularning ongiga vatanparvarlik g'oyalari singdirildi.

"Zakovat" intellektual o'yinlari va "Yosh kitobxon oila" tanlovida qatnashgan bolajonlarning bilim va zakovatlari sinovdan o'tdi.

Salg'in istirohat bog'larida tashkil etilgan "Yoz oqshomlari" nomli sahnalashtirilgan badiiy chiqishlar ishtirokchilarga haqiqiy bolalikning quvnoq va xotirjam onlarini baxsh etdi. Mazkur tadbirlar yoshlarning ijodiy salohiyatlarini rivojlantirishga xizmat qilib, ularni jamoaviy mehnat va birgalikda ishlashni qadrlashga o'rgatdi. Ular har bir kun nafaqat o'zlari, balki atrofdegilar uchun qadrlar va samarali bo'lishini his etishdi.

Umuman olganda, "Dozarb 90 kunlik" dasturi yoshlarning hayotiga salmoqli ta'sir ko'rsatdi.

Muhiddin ABDURAHIMOV,
Yoshlar ishlari agentligi viloyat
boshqarmasi mutaxassisi.

EZGU NIYATLARI MEVASI

UNING KO'ZLARIDA — ERTANGI KUNGA ISHONCH BOR, QO'LIDA ESA YANA BIR G'ALABA NISHONASI. BU SURATDAGI QIZALOQ FARZONAXON TO'YCHIBOYEVA. YOSHI BOR-YO'G'I SAKKIZDA BO'LISHIGA QARAMAY, YUTUQLARDAN YUZI YORUG'; AQLNI CHARXLAYDIGAN VA MANTIQNI TALAB QILADIGAN MENTAL ARIFMETIKA SOHASIDA XALQARO VA RESPUBLIKA MIQYOSIDAGI QIRQDAN ZIYOD TANLOVLAR G'OLIBASI BO'LISHGA ULGURGAN.

Jussasi kichik, biroq orzulari osmon qadar bo'lgan qizaloqning dastlabki muvaffaqiyatlari tengdoshlari uchun yorqin namuna.

Oltiariq tumanidagi 39-umumiy o'rta ta'lim maktabining 2-sinf o'quvchisi, tumandagi "Barkamol avlod" bolalar markazi faxriga aylangan Farzona mental arifmetika bo'yicha Dubayda o'tkazilgan "Asia cup — 2025" olimpiadasida yurtimiz sharafini munosib himoya qildi. U xalqaro tanlovning "Super champion" maqomiga erishdi. Ustozlari Mavludaxon Mamasiddiqova va Zuhroxon Alijonovanning ikki yil davomidagi saboqlari o'z mevasini berdi.

— Biz yoshlikdagi orzularimizni farzandlarimizda ro'yobga chiqarish uchun harakatdamiz, — deydi Farzonaning onasi Gulbahor opa. — Avvaliga qizimizning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish uchun to'g'arak mashg'ulotlariga qatnashishiga

sharoit yaratib bergan bo'lsak, endilikda harakatlaridagi shijoat, ko'zlaridagi o'ziga bo'lgan ishonch, erishayotgan natijalari uni yanada qo'llab-quvvatlashga va iqtidorini rivojlantirish uchun imkoniyat yaratib berishimizga undamoqda.

Farzona yutuqlari ortida yuzlab mashg'ulotlar, tinimsiz mehnat, sabr va bolalarcha ishonch yotadi. Har bir g'alabasi — mehnat bilan yo'g'rilgan, yuksak orzulari, yurti sharafini xalqaro tanlovlarda munosib himoya qilishga qaratilgan ezgu niyatlari mevasi. Ammo eng katta mukofot — Farzonaning yuzidagi tabassum. U har bir muvaffaqiyatga erishganda nafaqat g'alabani his etadi, balki "Ilmdan o'zga najot yo'qligi, dunyoni ilm-ma'rifat qutqarishi"ga ishonch hosil qiladi.

Ozodabonu RUSTAMOVA.



DUNYO BILAN BO'YLASHMOQ ISTAGI

HAR TILNI BILUV EMDI
BANI ODAMA JONDUR,
TIL VOSITAI ROBITAI OLAMIYONDUR.
G'AYRI TILINI SA'Y QILING
BILGALI YOSHLAR —
KIM ILMU HUNARLAR
RIVOJI ONDIN AYONDUR.



Bu misralarni bundan bir asr ilgari ma'rifatparvar bobomiz Avaz O'tar yozgan. Ushbu she'rda ulkan hayotiy haqiqat yotibdi. Bugungi kunda xoriy tillarni bilish zamonaviy dunyoda yashash va rivojlanishning asosiy shartlaridan biriga aylandi.

Bolalikdan ingliz tilini o'rganishga bo'lgan ishtiyoqim bois, o'quvchilik davrimdayoq xalqaro IELTS imtihonida 7 ballni qo'lga kiritdim. Keyinchalik xalqaro "Writing world cup" olimpiadasida yuzlab tengdoshlarim ichida faxrli ikkinchi o'rinni qo'lga kiritdim.

Amerika Qo'shma Shtatlarining nufuzli ta'lim maskani — "Babson college"da yozgi uch oylik dastur uchun 6500 AQSH dollari miqdorida yuz foizlik grant sohibi bo'lganim navbatdagi muvaffaqiyatlarimdan biridir. "Kectil" nomli xalqaro buyuklik sari loyihasi ishtirokchisi sifatida butunjahon yoshlari safida shaxsiy rivojlanish tomon dadil qadam tashlamog'daman.

Ayni paytda O'zbekiston Yoshlar ishlari agentligi tomonidan tashkil etilgan "Ibrat farzandlari" loyihasining Farg'ona shahridagi ambassadori hamda Harvard universiteti talabasi Azizbek Zaylo-biddinovning "Ibrat debate" loyihasi

koordinatlaridan biriman.

Ta'kidlash joizki, mustaqil yurt yoshlari tomonidan amaliyotga tatbiq etilayotgan tashabbuslar jamiyatimizdagi mavjud muammo va kamchiliklarga atroflicha yechim bo'lmoqda. Shu asosda "Madad uchqunlari" ijtimoiy loyihani yo'lga qo'ydim. Uni amalga oshirish orqali jamiyatimizning bir bo'lagi bo'lgan, jismoniy zaiflik sabab, davlat muassasalarida tarbiyalanayotgan tengdoshlarimga ruhan dalda, iliq so'zlar bilan malham bo'lishni maqsad qildim.

Bu g'oya tufayli atrofimda o'zim kabi yoshlar bilan bir maqsad yo'lida birlashadi. Hamfikrlikka katta kuch ekanligimizni anglagan holda shahrimizdagi "Muruvvat" va "Saxovat" uylarida, imkoniyati cheklangan yoshlar maktab-internatlarida turli tadbirlar uyushtirib kelmog'damiz.

Kelgusida dunyo tan olgan xorijiy oliy o'quv yurtlarida tahsil olib, yurtimiz tibbiyot sohasining rivojiga munosib hissa qo'shmoqchiman.

Ma'murxon MANSUROV,
Farg'ona shahar ayrim
fanlarga ixtisoslashtirilgan
2-sonli umumiy o'rta ta'lim
maktabi 11-sinf o'quvchisi.



MEN RADIKALIZMGA QARSHIMAN!

HAR BIR AVLODNING TARIXDA TUTGAN O'RNI, JAMIYAT TARAQQIYOTIDAGI HISSASI BOR. BUGUNGI KUNDA ESA KELAJAKNI SHAKLLANTIRADIGAN ASOSIY KUCH — YOSHLARDIR. BIZ, KELAJAK AVLODLARI FAQAT BILIM VA TASHABBUS BILAN EMAS, TERAN FIKR VA MAS'ULIYAT BILAN HAM O'Z MAVQEIMIZNI BELGILAB OLISHIMIZ LOZIM.

Afsuski, ayrim hollarda yoshlar to'g'ri yo'l o'rni ga'arazli, millat va din niqobi ostidagi radikal g'oyalar ta'siriga tushib qolmoqda.

Sir emas, internet foydalanuvchilarining asosiy qismi — yoshlar. Axborot makonida har kuni turli fikrlar, videolar, postlar va targ'ibot materiallari tarqaladi. Ularning ayrimlari foydali, ayrimlari esa radikal ruhda bo'lib, insonni o'z qadriyatlariga qarshi chiqishga undaydi. Bu esa nafaqat shaxsning, balki butun jamiyatning ma'naviy zaiflashuviga sabab bo'ladi.

Milliy o'zlik, diniy bag'rikenglik,

tarixiy ong va fuqarolik mas'uliyati har bir insonda shakllanishi lozim bo'lgan asosiy qadriyatlaridir. Agar biz o'zimizni taniy olmasak, boshqalar kelib o'z "haqiqat"larini majburiy singdirishga urinadi. Biz bunday xatarlarga qarshi faqat bilim, ma'rifat va faol jamiyatda qatnashish orqali kurasha olamiz.

Davlatimiz tomonidan amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar, ta'lim, tadbirkorlik, sport va madaniyatni rivojlantirish uchun yaratilgan sharoitlar aynan yoshlarning salohiyatini to'g'ri yo'naltirishga qaratilmoqda. Lekin ba'zi yoshlar bu ne'matlarni

qadrlamay, shubhali g'oyalarga ergashib qolishi zamidra yetarli bilimga ega emasligi, dunyoqarashi torligi, hayotiy maqsadining yo'qligi va ijtimoiy faollik pastligi yotadi.

Biz, yoshlar bir narsani unutmasligimiz kerakki, yot g'oyalarga qarshi eng kuchli qurol — ma'rifatdir. U kitoblarda, tajribada, bilim olish va izlanishda namoyon bo'ladi.

Farangiz MO'MINOVA,
O'zbekiston davlat jahon
tillari universiteti
talabasi.

AGAR INSONDA XOHISH BO'LSA, HAR QANDAY TO'SIQLARGA QARAMAY, O'ZI ORZU QILGAN MARRANI EGALLAYDI. LEKIN IMKONIYATI CHEKLANGAN BO'LSA-CHI?! BUNDAY VAZIYATLARDA, AVVALO, YAQINLARI VA YAXSHI INSONLARNING KO'MAGI ZARUR BO'LADI.



Shukrona orzulari sari dadil intilyapti

Mamlakatimizda o'zgalar e'tibori va ko'magiga muhtoj insonlarga yordam qo'lini cho'zish, ularni qo'llab-quvvatlash va ijtimoiy himoya qilishga doir qator tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Bu borada, ayniqsa, nogironligi bo'lgan shaxslarga ko'rsatilayotgan g'amxo'rliklar e'tiborga molik.

Farg'ona "Muruvvat" nogironligi bo'lgan bolalar uchun internat uyida tarbiyalanuvchilarning davolanishi va tengqurlari

qatori bilim olishlari uchun zaruriy shart-sharoitlar yaratilgan. Bolalarni tibbiy-ijtimoiy reabilitatsiya qilish yordamida ular sog'lig'ida sezilarli ijobiy o'zgarishlar kuzatilyapti. Shukronaxon ham mehnat, mehnat va eng asosiy, o'z xohishi natijasi o'laroq, hayotga ishonch bilan qaramoqda.

Yaqinroq, yangilikka intiluvchan, ilm egallashga ishtiyoqli baland, biroq yurishda imkoniyati cheklangan qizalog'imizga tibbiy reabilitatsiya, psixologik yondashuv va maxsus pedagogik mashg'ulotlar yordam

berib, bugungi kunda mustaqil harakatlanish boshladi. Yuz-ko'zidagi quvonchni ko'rib, qalbida bir dunyo orzulari jo'sh urayotganini his etib, uni yanada ko'proq qo'llab-quvvatlashga harakat qilaymiz.

Bugungi kunda Shukrona Shavkatovaning ijtimoiy reabilitatsiya jarayonini kengaytirib, maxsus mashg'ulotlar jarayoni tashkil etildi.

Barchinoy BOTIROVA,
"Muruvvat uyi" tarbiyachisi.

(Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари топшириғи маҳалла фуқаролар йиғинлари фақат маъмурий идора эмас, балки маънавий-маърифий маскан сифатида фаолият юритиши лозимлигини кўрсатди. Шундан сўнг вилоят, шаҳар-туман ҳокимликлари, фаоллар, масъул ташкилотлар томонидан кутубхона лойиҳаларига ҳомийлар жалб этилди, зиё маскани учун би-

ра бадий, илмий адабиётлар, ўқув кўпланмалар, миллий ва болалар энциклопедиялари жой олди. Уша кунларда бу ерда маҳалла нуронийлари, аёллар ва ёшларнинг китоб ўқийётганига кўзимиз тушганди. Рост, кувонгандик.

Бугунги кунда ўша кўркам бинода китоб, уларнинг каталоглари, газета-журналлар тугул, на китоб жавонлари ва на электрон китоблар (QR) доскасини учратасиз. Яъни кутубхона "туғулди-ю", кўп ўтмай "касби"ни ўзгартирди. Бино вақтинча фойда-

рофдаги "Машъал", "Шароф Рашидов" маҳаллалари аҳли учун ҳам хизмат кўрсатиши кўзда тутилган кутубхонанинг ҳам ному бору ўзи йўқ. Аниқроқ айтганда, зиё маскани фаолияти тугатилган. "Фондда қанча китоб қолган, қим қандай адабиёт олгану, қачон қайтариши лозим эди?" каби саволларга тайинли жавоб ололмайсиз.

"Машъал" маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Самандар Муталибовнинг айтишича, фуқаролар, айниқса, ёш авлод вакиллари кўпроқ



Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ОЧИЛДИ-Ю... КЎП ЎТМАЙ ЁПИЛДИ

но ва хоналар ажратилди, китоблар жамланди.

Бу хайрли ташаббус жадал бошланди-ю, кўп ўтмай аксарият маҳалла кутубхоналарининг фаолияти тўхтаб қолди. Баъзи лойиҳалар охирига етмади, кутубхона деб белгиланган хоналар бошқа мақсадларга хизмат қила бошладди. Баъзиларида эса китоблар бор, аммо уларни назорат қиладиган масъул ходим ёки мутолаа қиладиган ўқувчи йўқ.

Президентимиз 2020 йил 4-5 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Фарғона шаҳридаги "Шодиёна" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан суҳбатлашган эди. Ушанда маҳалладаги аянчли манзаралар кескин танқид қилинганди. Шундан сўнг "Шодиёна" маҳалла фуқаролар йиғинининг бош режаси ишлаб чиқилиб, маҳалла гузари ва биноси қуриб битказилди. Замонавий лойиҳа асосида намунавий маҳалла кутубхонаси барпо этилди. Мазкур кутубхона бир муддат фаолият юритгандай бўлди. Унда энг са-

ланиш учун оилавий поликлиникага берилди.

Ҳомийлар ҳисобига тўпланган ноёб китоблар, бадий асарлар, ахборот манбалари "омборхона"да тартибсиз ҳолда сақланмоқда.

– Дастлаб кутубхонамиз яхши ишлади, ҳокимлик, ҳомийлар ёрдамида фонди бойиди. Лекин кейинроқ маҳалладаги аҳоли эҳтиёжини инобатга олиб, бинодан вақтинча оилавий поликлиника сифатида фойдаланишга қарор қилинди. Китоблар вақтинча бошқа хонага жойлаб қўйилди. Кейинроқ уларни жойига қайтариш ниятимиз бор, – дейди "Шодиёна" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нодирбек Ишанкулов.

Раиснинг жавобидан қониқмадик. Балки у "Китоб ўқишдан кўра, фуқаролар соғлиғи муҳим" демоқчи бўлгандир. Кейинроқ кутубхонани жойига қайтариш бўйича ниятлари ҳомхўёлликдан бошқа нарсасиз, бизнингча.

"Ифтихор" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилиб, ён-ат-

электрон дарсликлар, смартфондаги маълумотларга қизиқиб қолишган.

– Республика ёшлар ишлари агентлиги томонидан ишлаб чиқилган "Mutolaa" иловасини оммалаштирдик. Бу иловани маҳалланинг 300 нафардан зиёд ёшлари ўрнатиб, китобхоналар сафидан жой олди, – дейди у.

Албатта, "Mutolaa" каби миллий платформа орқали электрон китобхонлиқни тарғиб қилиш – бу вақт ва макон билан чекланмаган маънавий ресурсни яратиш демакдир. Аммо, бу – кутубхоналарга бўлган эҳтиёжини тўлиқ йўққа чиқармайди.

Электрон китоб – қулай, лекин барча учун бирдек мос тушавермайди. Китобнинг ўзига хос ҳиди, унинг саҳифаларини арақлаш завқи ҳамон кўплар учун бекиёс маънавий лаззатдир. Энг муҳими, кутубхона ўзаро мулоқот, маданий ҳаёт ва жамоавий фаолият марказидир. Шундай экан, маҳалла "еттилиги" нега маънавий бойлиқни сақлаб қолиш учун ҳаракат қилмаяпти? Электрон илова оммавийлаштирилаётган экан,

нима учун у билан ҳамоҳанг равишда жонли кутубхона муҳитини сақлаш, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот-ресурс маркази базаси билан интеграция қилиш чоралари кўрилаяпти?!

"Алишер Навоий" маҳалла фуқаролар йиғинида кутубхона ташкил этилмаганининг сабабини йиғин раиси Замира Ёдгорова очиқ айтди. Унинг фикрига кўра, китобларни, ҳатто ҳомийлик асосида бўлса-да, йиғишнинг илоҳи бўлмади. Аввалги сектор масъуллари томонидан кутубхона учун бор-йўғи 9 та китоб

"совға қилинди". Бу китоблар билан маҳаллада маънавий муҳит яратишнинг илоҳи йўқ. Аммо жонқуяр маънавият тарғиботчилари ҳам йўқ эмас.

Маҳалланинг ёшлар етакчиси Гулшаной Улмасова ўз ташаббуси билан 100 та китоб тўплаб, китобсевар ёшларга мутолаа қилиш учун берди. Маҳаллада кутубхона бўлмаса-да, унинг сазй-ҳаракатлари орқали китобсевар ёшлар ўртасида шахсий китоб алмашиш ва китобхонлиқ муҳити шакллана бошлади.

Фарғона шаҳрининг "Оқариқ" маҳалла фуқаролар йиғини "еттили-

ги" аъзолари билан суҳбатлашганимизда, кутубхона ташкил этиш учун жой йўқлигини айтишди. "Маҳаллада кутубхона очишдан кўра, кўплаб муҳим ишлар бор", дея иддао қилишлари уларнинг китобхонлиқ маданиятига беписандлик билан муносабатда эканликларини кўрсатди.

"Сохибкор" маҳалла фуқаролар йиғинида эса буткул бошқа манзарага гувоҳ бўлдик. Маҳалла фуқаролар йиғини биносининг кириш қисмида жойлашган кутубхонадаги жавонларга китоблар дид билан терилган. Бу ерда 600 дан зиёд номдаги китоб мавжуд. Ҳудудда истиқомат қилувчи 200 нафарга яқин фуқаролар улардан доимий равишда фойдаланиб келмоқда.

– Биз кутубхонани маҳалладаги маънавий ҳаёт марказига айлантиришга катта эътибор қаратганмиз. Китоблар кўпчилиги ва улардан мунтазам фойдаланилаётгани меҳнатимиз самараси, аҳолимизнинг китобга бўлган қизиқиши туфайлидир, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Мамажонов. – Биз "еттилик" масъуллари ҳамкорлиқда китоблар фондиди ошириб бораёلمиз. Маҳалла ҳудудида жойлашган мактаблар педагоглари ва ўқувчилари, мактабгача таълим ташкилотларининг катта гуруҳлари тарбияланувчилари, тиббиёт муассасаси ходимлари ўртасида тарғибот ишларини олиб бораёلمиз, турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб турилибди.

Маҳалла ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш, шу жумладан, маҳалла ободлигини сақлаш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш масканигина эмас, у маърифат маркази ҳамдир. Кутубхона эса шу марказнинг асосий устуни, фуқаролар учун билим манбаи, маънавий тарбия мактабидир. Ҳар бир маҳаллада кутубхона ташкил этиш ва уни мунтазам ишлашини таъминлаш – эзгу амал, эзгу ғояларга хизмат қилади.

Муаттар МАҲМУДОВА.

(Бошланиши 1-бетда).

Дастлабки учрашувда президентларнинг матбуот анжуманида айтган "Биз кўп масалаларда келишиб олдик, музокаралар самарали бўлди", деган сўзлари ҳамда Трампнинг "Fox news"га берган интервьюсига таяниб фикр билдирадиган бўлсак, ўзаро мулоқотларда кўзда тутилган маълум натижаларга эришилди. Бироқ "3 га 3" форматдаги музокаранинг батафсил ва аниқ тафсилотлари ҳали тўлиқ очиклагани йўқ. Бироқ дунёни хавотирга солаётган "совуқ уруш"ни тўхтатиш учун муҳим қадам ташланмоқда. У қандай яқун топишини эса вақт кўрсатади. Чунки Америка ташаббуси эндиликда кенг қамров олди.

Аляскадаги музокаралар чоғида Путин Украина қўшинларини Донбассдан олиб чиқиш эвазига Украинадаги можарони "музлатиб қўйиш"га тайёрлиги ҳамда жанубий Херсон ва Запорожье вилоятларида фронт чизигини тўхтатиб қўйишга ва янги ҳужумлардан тийилишга ваъда бергани ҳақида ижтимоий тармоқларда хабар берилди.

Бироқ Зеленскийнинг позицияси бошқачароқ, у Украина ҳудудининг дахлсизлигини сақлаб қолиш ниятида. Унинг қатъий билдирган фикрича, талабқилинаётган ҳудудлар унинг ҳусусий ери эмас, давлат тасарруфида ва Украина Конституцияси орқали ҳал этилади. Аляска саммитидан кейин Трамп Зеленскийга қўнғирроқ қилганда ҳам ҳудудлар бўйича қарор Украинада қолишини айтган. Шунингдек, Америка президенти Владимир Путиннинг талаби ўзгармагани-

ни таъкидлаган. Яъни, Украина қўшинларини Донбасснинг бутун ҳудудидан олиб чиқиш кетиши лозим.

Дунё кузатувчилари, сиёсатшунослар, Европа расмийлари ва Фарб оммавий ахборот воситалари икки йирик давлатлар раҳбарларининг Аляскадаги музокаралари бўйича ўзларининг эҳтимолий изоҳ ва таҳминларини билдирмоқда. Наشرлар мазкур учрашувда ҳеч қандай келишувга эришилмагани ҳақида ёзган бўлса, Зеленскийнинг атрофидагилар "ҳеч нарсасга эришилмаган воқеа" деб баҳолаган.

Воқеалар ривожини эндиликда Дональд Трамп ва Владимир Зеленский ҳамда Европа давлатлари етакчилари ўртасида кечган учрашув томонга ўтди. 18 август куни Украина раҳбарининг Америкага расмий ташрифи билан жараёнлар авж олди.

Владимир Зеленский Вашингтонга боришдан бир кун аввал ўзининг Telegram каналига ёзишга кўра, асосий мақсади – урушни тез ва ишончли тугатиш, бироқ бу тинчлик узоқ муддатли бўлиши керак. У 2014 йилда Қрим ва Донбасснинг бир қисмини Россияга беришга мажбур қилингани, Путин ҳозирда бу ҳудудларни Украинага ҳужумлар уюштириш учун таянч майдонга айлантириб олган



СУЛҲ ВА ҲУДУД МАСАЛАЛАРИ ПУТИН ВА ЗЕЛЕНСКИЙ УЧРАШУВИДА ҲАЛ ЭТИЛАДИМИ?

нини билдирган. "Хавфсизлик кафолатлари" ишламади, ўшанда Қримни бермаслик керак эди", дея фикр билдиради у.

Қайд этиш жоиз, бунгача Трамп Қрим ва НАТО масаласи бўйича баёнот бериб, "Президент Зеленский истаса, деярли дарҳол урушни тугатиши мумкин. Лекин Қрим қайтарилмади, чунки у 12 йил олдин Обаманинг даврида бирорта ўқ отилмасдан берилган. Украина НАТОга кирмади". Баъзи нарсалар ҳеч қачон ўзгармайди", деб ёзган.

Вашингтон учрашувига Владимир Зеленскийдан ташқари Франция ва Финляндия президентлари Эммануэл Макрон, Александр Стубб, Буюк Британия бош вазири Кир Стармер, Германия канцлери Фридрих Мерц, Италия бош вазири Жоржа Мелони, НАТО бош котиби Марк Рютте, Европа комиссияси раиси Урсула фон дер Ляйен ҳам келди. Трамп музокаралар олдидан Truth socialда пост қолдириб, Америкада ҳеч қачон бир пайтда бунчалик кўп европалик етакчилар бўлмагани, бу унинг мамлакатини учун улкан шарафлигини маълум қилди.

НУТ наشري ёзишча, европалик раҳбарларнинг ҳамма ишини йиғиштириб, Зеленскийга Трамп билан учрашувда далла

бериш учун АҚШга келиши – қамдан-қам учрайдиган геосиёсий манзара. Зеленскийнинг фикрича, у ва ҳамкорларининг муҳим мақсадларидан бири – Украина ва бутун Европа учун барқарор тинчликдир. "Биз тушунамизки, Путиннинг ўз ихтиёри билан таъжовуздан ёки янги босқинлардан воз кечишни кутиш керак эмас. Шу сабабли босим ишлаши керак ва у АҚШ ва Европадан қўшма босим бўлиши шарт".

Трамп ва Зеленскийнинг учрашуви самимий қабул билан бошланди. Жумладан, матбуот учун ўтказган суҳбат жорий йил февраль охирида бўлиб ўтган даҳанакан жангалар каби ўтмади. Вице-президент Вэнс ҳам суҳбатда қўшилмади.

Америка президенти агар шу учрашув яхши ўтса, у Путин ва Зеленскийни учраштиришини айтди. "Урушни тугатиш учун оқилона имконият" борилигига ишонишини билдирди. Ҳолбуки, учрашувдан олдин Трамп урушни тугатиш масъулиятини Зеленский зиммасига юкляётганди. Суҳбат чоғида Зеленский урушни тугатиш учун АҚШ ва Россия билан уч томонлама учрашувга тайёрлигини, шу кун ҳам Харьковда Россия ҳужуми оқибатида 18 ойлик чақалоқ ҳалок бўлганини айтиб ўтди.

Манбаларга кўра, қисқа давом этган матбуот анжуманидан сўнг Трамп ва Зеленский ёпиқ эшиклар ортида суҳбатлашган. У ерда эса нималар ҳақида гаплашилгани бўйича аниқ ва батафсил маълумотлар очиқ айтилмаган. Лекин ижтимоий тармоқларда Украинанинг Россия томонидан босиб олинган ҳудудлари акс этган улкан харита тарқалди. Уларда Трамп ўша харита олдида туриб, Украина президентига

Дунё мавзуси:

мақташди, лекин тинчлик учун Украинага хавфсизлик кафолатлари ва сулҳ кераклигига ургу беришди.

Музокара чоғида Трамп "Барчамиз дарҳол сулҳ хоҳлаймиз, бироқ бунга Зеленский ва Путин ўзаро келишиши керак. Ҳозирча бу амалга ошмаяпти", дея таъкидлади ва дунёда қолган ягона катта уруш шу эканлигини айтди. Лекин, у Ҳазодаги Исроил-Ҳамас можаросини эсдан чиқарди.

Франция президенти Эммануэл Макрон стол атрофидагиларининг барчаси тинчликни истишини билдирди. Германия канцлери Фридрих Мерцнинг изоҳ беришича, кейинги қадамлар мураккаброқ бўлади. У эндиги учрашув оташкесимсиз бўлишини тасаввур қила олмаслигини очиқ айтди. Трамп Мерцни рад этмади, лекин бошқа можароларда сулҳ бўлмаганини эслатди: "Агар оташкесимга эришсак, ажойиб бўлади" деди у.

Зеленский яна бир бор ҳудудий масалаларни Путин билан бўладиган уч томонлама музокараларда муҳокама қилишини айтди. Макрон эса ўша учрашувни тўрт томонлама ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Кенгайтирилган музокаралар матбуот учун ёпилганидан сўнг ҳам давом этди. Музокаралар давом этаётган бир пайтда Трамп Путин билан яна бир боғлангани бўйича хабарлар тарқалди. ТАСС (Россия давлат ахборот агентлиги) бу суҳбат деярли 40 дақиқа давом этганини маълум қилди. Бу орада эса Украина раҳбарининг "Fox news" билан бўлиб ўтиши режалаштирилган интервьюси бекор қилинди.

Трамп ва Зеленский ўзаро суҳбатни давом эттирди. Улар қисқа танаффусдан сўнг, музокараларни Европа лидерлари билан "фақат етакчилар" форматига олиб борди.

Хорижий ОАВ, жумладан, "Financial times" хабарига кўра, Владимир Зеленский барча мақсадлари ва қарорларини очиклаган. У Америка қуролларини сотиб олиш учун Трампга 100 миллиард долларлик битим тақлиф қилган. Унга қамида 10 та "Patriot" ҳаво ҳужумидан мудоафа тизимларини сотиб олиш мумкин. Бундан ташқари, икки давлат компаниялари дронлар ишлаб чиқариш бўйича 50 миллиард долларлик келишувга ҳам яқин.

Дональд Трамп ва Владимир Зеленский Оқ уйдаги сўнги баёнтларида икки энг тортишувли масалани вақтинча четга суришди. Булар сулҳ ва ҳудуд масалаларидир. Баёнот беришларида, бундай муҳокамалар Зеленский ва Путин ўртасидаги юзма-юз учрашувга қолдирилди, катта эҳтимол билан унда Трамп ҳам иштирок этади.

(Ижтимоий тармоқлар хабарлари асосида тайёрланди).

Олтиариқ тумани, "Ўзумчи" МФЙ, Бойматов кўчаси, 113-уйда жойлашган "Oltiariq apex one" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси, 6-уй, 5-хонадонда жойлашган "Vodiy ta`mir-2020" МЧЖга тегишли бўлган тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11886.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй.	
			Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14	
			Саҳифаловчи: Алишер Розиков.	
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кунини чиқади. Адади: 2061 нусха.	★ Бахоси келишилган нархда.	★ Навбатчи муҳаррир: Муаттар Махмудова.	Босингга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 15.30.

ISSN 2018-6071

9 772018 657066